O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGINING

B U Y R U G‘I

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ходимларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил 1 июндаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган “Вазирлик ва тизимидаги корхона ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш юзасидан чора-тадбирлар режаси”нинг бажарилишини таъминлаш ҳамда Вазирликка ходимларни ишга қабул қилиш, лавозимини кўтариш ҳамда кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида, **буюраман:**

1. “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар бўлими (Ф.Сафарова):

Вазирликнинг Ахборот хизмати (Э.Далимов) билан биргаликда доимий равишда ўрнатилган тартибда мавжуд бўш лавозимлар ҳақидаги маълумотларнинг Вазирликнинг расмий веб-сайтида чоп этилишини;

Вазирликнинг тегишли бошқарма, бўлим ва ҳудудий бошқармалари билан биргаликда мавжуд бўш лавозимларга ишга қабул қилиш танловларининг ўрнатилган тартибда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

3. Ишлар бошқармаси бир ҳафта муддатда ишга қабул қилиш танловида иштирок этувчи номзодларни баҳолаш (тестлаш) учун Вазирлик биносида доимий фойдаланиш учун алоҳида хона ва компьютер техникасининг ажратилишини, уларни Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

4. Вазирлик бош бошқармаси, бошқарма ва бўлимлари ҳамда ҳудудий бошқармалари бошлиқлари бўлинмаларида бўш лавозим юзага келиши билан бир кун муддатда Кадрлар бўлимига мазкур лавозимнинг вазифалари тўғрисидаги маълумотни тақдим этишга жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев зиммасига юклансин.

Вазир **Х. Мирзахидов**

Toshkent sh.
2015-y., «08»-iyun
127- son

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш
вазирлигининг
2015 йил 08 июндаги
127-сон буйруғига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари лавозимларига номзодларни танлаш талабларини белгилаб берувчи асосий тамойил ва қоидаларни белгилаб беради.

2. Мазкур тартибда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилган:

бўш лавозим – янги ходимни қабул қилиш мумкин бўлган, Вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари таркибий тузилмасига кирувчи, ходим томонидан банд бўлмаган иш жойи (лавозим),

номзод – Вазирликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармасида ишлашни хоҳловчи, жисмоний шахс,

ишга қабул қилиш танлови – номзодларнинг даъвогарлик қилаётган лавозимга билими, тажрибаси, кўникма талаблари, шахсий-психологик жиҳатлари ва бошқа сифатлари бўйича лойиқлигини баҳолаш билан боғлиқ ўтказиладиган чора-тадбирлар мажмуаси.

3. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ва Қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарор ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори, тармоқ таснифлагичлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ишлаб чиқилди.

4. Танлов қонунчиликда белгиланган тартибда номзодларнинг Вазирликнинг вазифа ва функцияларига мослигини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

5. Ходимларни Вазирликка ишга қабул қилиш (меҳнат шартномасини имзолаш) қуйидаги лавозимлардан ташқари доимий равишда мазкур Тартиб талаблари асосида ташкил этилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Девони ёки Вазирлар Маҳкамасининг номенклатурасига кирувчи лавозимлар;

Вазирликнинг техник ва ёрдамчи персонал таркибига кирувчи лавозимлар.

6. Ходимларни ишга қабул қилиш танловини ташкил этиш Вазирликнинг Кадрлар бўлими томонидан амалга оширилади.

7. Ишга қабул қилиш танловида бошқарув персонал лавозимларида ишлашга даъвогарлик қилаётган шахсларга белгиланган малака талабларига мос бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган номзодлар иштирок этиши мумкин.

8. Ишга қабул қилиш танлови номзодлардан келиб тушган ҳужжатлар, ўтказилган баҳолаш (тестлаш) ва суҳбатлашиш натижаларини баҳоловчи Вазирликнинг Ишга қабул қилиш танлови комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан ўтказилади.

9. Комиссия таркиби Кадрлар бўлими томонидан шакллантирилади ва тасдиқлашга раҳбариятга тақдим этилади. Комиссия таркибига қуйидагилар киритилиши шарт:

Вазирнинг биринчи ўринбосари,

ишга қабул қилиш танлови ўтказилаётган бўш лавозим мавжуд бошқарма (бўлим) бошлиғи (ўринбосари),

Махсус ишлар бўлими бошлиғи,

Кадрлар бўлими бошлиғи.

Бўш лавозим хусусиятидан келиб чиққан ҳолда Комиссия таркибига бошқа ходимлар (юрист, бухгалтер, Ахборот хавфсизлиги бўлими ходими ва бошқалар) киритилиши ҳам мумкин.

10. Ишга қабул қилиш танлови қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

бўш лавозимга ишга қабул қилиш танлови ўтказилишини эълон қилиш;

номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

номзодларни баҳолаш (тестлаш);

номзодлар билан суҳбат ўтказиш;

номзодларни ишга қабул қилиш.

11. Номзодларнинг ишга қабул қилиш танловида иштирок этиши билан боғлиқ харажатлар (йўл ҳақи, яшаш, кунлик ва бошқа харажатлари) ўз ҳисобларидан амалга оширилади.

Кадрлар захирасига кирган Вазирликнинг ҳудудий бошқармаси ходими номзод сифатида ишга қабул қилиш танловида иштирок этган алоҳида ҳолларда, қисман харажатлар (йўл ҳақи ва яшаш харажатлари) Вазирлик томонидан қопланади.

12. Кадрлар захирасига кирувчи номзод танловда иштирок этиш жараёнида тўғридан-тўғри суҳбат босқичида қатнашишига йўл қўйилади. Бунда номзод томонидан мазкур Тартибнинг 18-бандида келтирилган ҳужжатларни тақдим этиши талаб этилмайди.

II. Бўш лавозимга ишга қабул қилиш танлови ўтказилишини эълон қилиш

13. Бўш лавозимга ишга қабул қилиш танлови ўтказилиши бўйича эълон матни қуйидаги тартибда чоп этилади:

мажбурий тартибда Вазирликнинг расмий веб-сайтида;

Вазирлик томонидан танланган даврий матбуот нашрларида.

14. Бўш лавозим юзага келиши билан уч иш кунидан кечикмасдан Вазирликнинг Кадрлар бўлими томонидан раҳбарият билан келишилган ҳолда мазкур Тартибнинг 1-иловасида келтирилган А-шакл асосида номзодларга белгиланган малака ва бошқа талаблар кўрсатилган танлов ўтказиш ҳақидаги матн тайёрланади ва Вазирликнинг Ахборот хизматига тақдим этилади.

15. Вазирликнинг Ахборот хизмати танлов ўтказиш ҳақидаги матнни бир иш куни муддатида Вазирликнинг расмий веб-сайтига эълон сифатида жойлаштиради. Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда эълон бошқа сайтларда, шунингдек, махсус тармоқларда ҳам жойлаштирилиши мумкин.

16. Номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн иш куни давомида амалга оширилади.

III. Ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш

17. Эълон асосида ўтказилаётган ишга қабул қилиш танловида иштирок этиш истаги бор номзодлар мазкур Тартибнинг 1-иловасида келтирилган Б-шакл асосида аризаси билан Вазирликка мурожаат этадилар.

18. Номзод аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим (электрон ёки қоғоз шаклда):

- мазкур Тартибнинг 1-иловасида келтирилган С-шаклга мувофиқ тўлдирилган маълумотнома;
- маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси, қўшимча равишда илмий даражаси ва унвонини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси. Номзод хорижий олий таълим муассасасини тамомлаган бўлса, диплом нусхасига қўшимча равишда нотариал идора томонидан тасдиқланган нострификация қилинганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси ҳам тақдим этилиши шарт;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- икки дона фото-сурат (3х4);
- номзоднинг шахсини тасдиқловчи фуқаролик паспорти нусхаси;
- таржимаи ҳол;
- солиқ тўловчининг идентификация рақами ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси нусхалари;
- номзоднинг танлов ўтказилаётган бўш иш жойида ишлаш истагини тасдиқловчи асосланма хати (эссе);
- малака оширганлик ёки қайта тайёрланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (охирги уч йилда);

алоҳида ҳолларда:

- меҳнат фаолиятини юритишга рухсат берувчи гувоҳнома асли;
- номзодга берилган тавсия хати. Тавсия хатининг кучга эга муддати - имзоланган санасидан уч ой.

Номзоддан қўшимча ҳужжатларни талаб этиш тақиқланади.

19. Номзоднинг танловга тақдим этилган ҳужжатлари қайтарилмайди.

20. Номзод томонидан тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар мавжуд бўлган ҳолда ёки тақдим этилган ҳужжатлар талабга жавоб бермаган ҳолда номзодга танловда иштирок этишига рухсат берилмайди.

21. Танловда иштирок этиш учун юбориладиган ҳужжатлар белгиланган муддат давомида қўлма-қўл, почта ёки электрон почта орқали қабул қилинади. Номзоднинг ҳужжатлари қўлма-қўл қабул қилинганда Вазирлик вакили томонидан тилхат берилади.

22. Ҳужжат қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг ўн кун муддат давомида Комиссия томонидан номзодлар ҳужжатлари танлов ўтказилаётган бўш лавозим малака талабларига мослиги кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижаси бўйича номзодни баҳолаш (тестлаш) босқичига киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилинади ва беш иш куни давомида бу ҳақда номзодга маълум қилинади.

IV. Номзодларни баҳолаш (тестлаш)

23. Комиссия қарорига мувофиқ, баҳолаш (тестлаш) босқичига киритилган номзодларни баҳолаш (тестлаш) қарор қабул қилинган кундан 10 иш кунидан кам бўлмаган муддатда ўтказилади. Баҳолаш (тестлаш) босқичи ўтказилиши санаси ва унга кирувчилар рўйхати ўтказиш муддатидан беш иш куни олдин Вазирликнинг расмий веб-сайтида чоп этилади.

24. Баҳолаш (тестлаш) Вазирликда қабул қилинган тартиб асосида ўтказилади.

25. Баҳолаш (тестлаш) тизимидаги саволлар ва уларнинг жавоблари Вазирлик вазифалари ва функциялари асосида ишлаб чиқилади ҳамда даврий равишда янгилаш мақсадида қайта кўриб чиқилади.

26. Номзодларни тестлаш (баҳолаш) натижалари Комиссия баённомаси билан расмийлаштирилади ҳамда ўтказилган кундан бир иш кунидан кам бўлмаган муддатда Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Тест натижалари Вазирлик Кадрлар бўлимида бир йил муддатда ўрнатилган тартибда сақланади.

27. Баҳолаш (тестлаш) натижалари бўйича Комиссияга суҳбатга кирувчи номзодлар рўйхати шакллантирилади.

28. Қуйидаги шахслар Комиссия суҳбатига баҳолаш (тестлаш) босқичида иштирок этмаган ҳолда киритилади:

Вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотларда меҳнат фаолиятини юритаётган ходимлар;

Вазирлик раҳбар кадрлар лавозимлари номенклатурасига шакллантирилган кадрлар захираси таркибига кирувчи номзодлар.

V. Номзодлар билан суҳбат ўтказиш

29. Комиссия қарорига мувофиқ суҳбатлашиш босқичига киритилган номзодлар билан суҳбат ўтказиш қарор қабул қилинган кундан икки иш кунидан кам бўлмаган муддатда ўтказилади. Суҳбатлашиш босқичини ўтказиш санаси ва унга кирувчилар рўйхати номзодларни баҳолаш (тестлаш) босқичи натижаларини эълон қилиш вақтида маълум қилинади.

30. Суҳбатлашиш Комиссия аъзолари томонидан ўтказилади. Комиссия аъзолари томонидан ҳар бир номзодга даъвогарлик қилаётган бўш лавозим йўналишига мувофиқ вазифаларидан келиб чиққан ҳолда саволлар берилади ҳамда жавоблари баҳоланади.

31. Ҳар бир номзод билан ўтказилган суҳбат натижаси бўйича суҳбатлашиш варақаси мазкур Тартибнинг 1-иловасида келтирилган Д-шаклга мувофиқ тўлдирилади.

32. Суҳбатлашиш варақасида Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қуйидаги карорни кўрсатади:

меҳнат шартномасини тузиш тавсия этилсин;

муайян муддатга меҳнат шартномасини тузиш тавсия этилсин;

кадрлар захирасига киритиш тавсия этилсин;

меҳнат шартномасини тузиш тавсия этилмасин.

33. Номзод билан меҳнат шартномасини тузиш (ёки меҳнат шартномасини муайян муддатга тузиш ёки меҳнат шартномасини тузмаслик) тўғрисида якуний қарор Комиссия раиси томонидан қабул қилинади.

VI. Номзодларни ишга қабул қилиш

34. Суҳбатлашиш варақаси қарори асосида номзод меҳнат қонунчилигига мувофиқ ишга қабул қилинади.

Тартибга илова
А-шакл

Ишга қабул қилиш танловини ўтказиш ҳақида
ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бўш _____ лавозимга ишга қабул қилиш танловини ўтказиши ҳақида эълон қилади.

Вазирлик манзили	
Боғланиш учун телефон ва факс рақамлари	
Электрон почта манзили	
Боғланиш учун вакил Ф.И.О	
Ҳужжатларни қабул қилиш муддати	
Бўш лавозим вазифалари	
Номзодларга белгиланадиган малака талаблари	
Иш ҳақи ва қўшимча тўловлар ҳақида маълумот	
Танловда иштирок этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати	

Тартибга илова
Б-шакл

АРИЗА

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг бўш _____ лавозимига ишга қабул қилиш танловида иштирок этишга рухсат беришингизни сўрайман.

Аризага илова қилинади:

1.
2.
3.
....

"___" _____20__й. _____ _____

Имзо Ф.И.О.

Тартибга илова
С-шакл

МАЪЛУМОТНОМА

Шрифт 14

Шрифт 14

Эшматов Ботир Баҳодирович

3х4 см, **охирги 3 ой давомида** олинган рангли фотосурат, электрон кўринишда (расмий кийимда)

2007 йил 5 октябрдан:
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ўқув ишлари бўйича проректори

Туғилган йили:
25.10.1960

Туғилган жойи:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани

Миллати:
ўзбек

Партиявийлиги:
йўқ

Маълумоти:
олий

Тамомлаган:
1982 й. Тошкент давлат университети (кундузги)

Маълумоти бўйича мутахассислиги: иқтисодчи

Илмий даражаси:
иқтисод фанлари доктори

Илмий унвони:
профессор

Қайси чет тилларини билади:
рус, инглиз тиллари

Ҳарбий (махсус) унвони:
йўқ

Ҳарбий (махсус) унвони фақат ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун кўрсатилади.

Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):
2005 й. "Меҳнат шуҳрати" ордени

Халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):
2010 й. - ҳ.в. - Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

Шрифт 14

4 пт

4 пт

1977-1982 йй. - Тошкент давлат университети талабаси

1982-2004 йй. - Тошкент давлат университети иқтисодиёт факультети кичик илмий ходими

2004-2007 йй. - Тошкент давлат иқтисодиёт университети микроиқтисодиёт факультети декани

2007 й. - ҳ.в. - Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ўқув ишлари бўйича проректори

Изох:

1. Шрифт: Times New Roman, 11, MS Word .doc форматида
2. Сахифа чегаралари: юқоридан 1,5 см, пастдан 1 см, ўнгдан 1 см, чапдан 2 см
3. Маълумотномада кискартиришлар ишлатиш мумкин эмас.
4. Ф.И.Ш. паспорт маълумотлари билан текширилиши керак.
5. Меҳнат фаолияти бўйича маълумотлар Меҳнат дафтарчаси билан, Тамомлаган ОЎЮ ва мутахассислиги бўйича маълумотлар диплом нусхаси билан текширилиши лозим.
6. Фақат мукаммал биладиган чет тиллари кўрсатилади. Луғат ёрдамида биладиганлари кўрсатилмайди.

Ботир Баҳодирович Эшматовнинг яқин қариндошлари ҳақида
МАЪЛУМОТ

Шрифт 14

Қарин-дошлиги	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Туғилган йили ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Турар жойи
Отаси	Эшматов Баҳодир Темирович	1935 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Пенсияда (Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти)	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бинокор кўчаси, 5-уй
Онаси	Абдушукурова (Хамдамова) Раҳима	1936 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	2000 йил вафот этган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти)	
Опаси	Соатова (Эшматова) Гулчеҳра Баҳодировна	1959 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Қибрай туманидаги касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бинокор кўчаси, 25-уй
Укаси	Эшматов Тохир Баҳодирович	1972 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки етакчи иқтисодчиси	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бинокор кўчаси, 5-уй
Турмуш ўртоғи	Эшматова (Пирматова) Нозима Шарофходжаевна	1968 йил, Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳар 1-марказий поликлиникаси физиотерапия бўлими шифокори	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 20-уй, 21-хонадон
Қизи	Эшматова Зиёда Ботировна	1991 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ўзбекистон Миллий университети талабаси	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 20-уй, 21-хонадон
Қайнотаси	Пирматов Шарофходжа Нигматович	1939 йил, Тошкент шаҳри	2000 йил вафот этган (Ўзбекистон Миллий университети доценти)	
Қайнонаси	Пирматова (Юнусбекова) Машкура Собировна	1945 йил, Тошкент шаҳри	Пенсияда (Тошкент давлат техника университети доценти)	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ипакчи кўчаси, 33-уй

Изоҳ:

Зарур:	Тўғри:			Нотўғри:	
- қариндошлиги, фамилияси, исми ва шарифлари ҳамда турмушга чиқишдан аввалги фамилияси аниқ кўрсатилиши.	Ўғли	Рўзиев Асрор Ҳолматович		Ўғлим	Рўзиев А.Ҳ.
	Турмуш ўртоғи	Исламова (Пирматова) Нилуфар Шариповна		Рафиқам	Исламова Н.
- туғилган йили, вилояти ва тумани (шаҳри) аниқ кўрсатилиши.	1976 йил, Самарқанд вилояти, Ургут тумани	1956 йил, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри		1976 й., Сам. вил. Ургут тум.	1956 йил, Фарғона вилояти
- иш жойи ва лавозими тўлиқ кўрсатилиши. Маълумотлар тақдим этилаётган муддатда тўғрилигига эътибор қаратиш.	"Фотон" очиқ акциядорлик жамияти иқтисод бўлими мутахассиси	Бешариқ туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси		МТП ишчиси	1990 йил, мактаб ўқувчиси
- вафот этган бўлса вафот этган йили ва (пенсияда бўлса ҳам) аввалги лавозими тўлиқ кўрсатилиши ("илгари", "бўлган" сўзларисиз).	1992 йил вафот этган (1-марказий поликлиника шифокори)	Пенсияда (50-мактаб ўқитувчиси)		Вафот этган	Пенсияда (нягари ўқитувчи бўлган)
- турар жойида вилоят, шаҳар, туман, даҳа сўзларининг номлари тўлиқ кўрсатилиши.	Андижон вилояти, Асака тумани, Ипакчилик кишлоқ фуқаролари йиғини, 5-уй	Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Дарға қишлоғи, 6-уй		Тош. ш. Чилонзор 15/14/20	Бухоро вил., Вобкент тум.

Тартибга илова
Д-шакл

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг бўш бўлган

_____ лавозимига

номзод_____билан

суҳбатлашиш варақаси

Комиссия аъзоси Ф.И.О.	Лавозими	Қарори (таклифи)	Имзо ва сана